

ТАЪЗИЯ



14:15 / 04.04.2022 1694

«Hilol-nashr» матбаа-нашриёти ҳамда Islom.uz портали жамоаси Ўзбекистон мусулмонлар идорасининг Тошкент вилояти вакиллигида бош имом-хатиб вазифасида хизмат қилган, динимизнинг ривожига, Ватанимизнинг равнақига, масжидларимизнинг обод бўлишига катта ҳисса қўшган етук дин пешвоси Хайруллоҳ домла Турматов раҳимаҳуллоҳнинг волидаи муҳтарамалари вафоти муносабати билан уларнинг барча оила аъзоларига, қариндош-уруғларига, яқинларига чуқур ва самимий таъзия изҳор этади.

Аллоҳ таоло марҳуманинг барча солиҳ амалларини ҳусни қабул айлаб, Ўз мағфиратига олсин, барча саҳву хатоларини кечирсин, раҳматига чулғасин, қабрларини жаннат боғчаларидан қилиб, охиратларини обод айласин!

Ушбу оғир дамларда марҳуманинг аҳли байтларига, барча яқинларига Аллоҳ таолодан сабру жамил тилаймиз.

Иннаа лиллааҳи ва иннаа илайҳи рожиъуун!